Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 26 февраль, жума № 37. (21. 391).

НАВРЎЗ—УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ

25 фераль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулҳошим Муталов ранслигида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон халқ нонбларни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идоралар, уюшмалар ва ижодий ташкилотлар, жамғармалар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда сўзга чиққанлар халқимизнинг қадимий ва саховатли байрами бўлган «Наврўз»ни 1993 йилда кенг нишонлаш учун, шунингдек, миллий урф-одатлар негизида умуминсоний қадриятларни улуғлаш, халқ ижодкорлик қудратини намоён этиш, Ватанга муҳаббат, меҳр-шафқат, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиш хусусида гапирдилар. «Наврўз» тантаналари давом этаётган кунларда уруш жанжаллар тўхтаган, гинакудратлар унутилган, одамлар осойишта ва тинч ҳаёт кечиришга интилганлар.

Шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорида республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқланди, ташкилий қўмитага бир ҳафталик муддатда байрамни ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. Жойларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлар ҳокимларининг шахсан раҳбарлигида шундай ташкилий қўмиталар тузилиши белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти жамғармасининг «Маҳалла», «Наврўз», ЭКОСАН, Шароф Рашидов номли жамғармаларнинг байрам тадбирларини маблағ билан таъминлашда кўмаклашиш борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланди. Республика оммавий-ахборот воситалари байрам тайёргарлиги ва унинг ўтиш жараёнини кенг ёритишлари таъкидланди. Ўзбекистон давлат телерадиокомпанияси ва «Наврўз» хайрия жамғармасининг 21 март кунига мўлжалланган «Мустақиллик — инсонни эъзозлашдир» шиори остида телемарафон ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Мустақиллик йўлидан шаҳдам одимлар отаётган республикамиз бу йилги шароитда «Наврўз» байрамини алоҳида ифтихор ва мамнунлик билан нишонлашга ҳозирланмоқда. Байрам кунларида мамлакатимиз пойтахтида, барча шаҳар ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари, жозибадор мушоиралар, қадимий халқ ўйинлари, севимли санъаткорлар ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ўтказилади. Китоблар, тасвирий санъат ва халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари намойиш этилади. «Наврўз» байрами кунларида серфарзанд оналаларга, қариялар уйларида яшовчилар, болалар уйларининг тарбияланувчилари, қаровчиси йўқ бева-бечоралар, ногиронларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, ташкилот қўмитаси раисининг ўринбосари М. Б. Умурзоқов иштирок этди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗДАН.

СУРАТЛАРДА: «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖАҲОН ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚИШЛОҚЛАРДА

● Италиядаги «Карера» хусусий фирмасининг Оқолтин райони маркази Сардоба қўрғонидаги қўшма корхонаси тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу ерда ҳозир кунига 1300 дона жинси шимлар тикиб чиқарилмоқда. Корхона Италия, Германия, Японияда ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган.

Район қўрғонининг чор атрофидаги қишлоқлардан келиб, бу ерда ишлаётган қизжувонлар жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида тайёрланган мураккаб дастгоҳларда ишлаш маҳоратини оширмоқдалар. Ҳозир корхонадаги чеварлар сони 60 нафардан ортди. Феруза Норбобоева, Кубитош Иброҳимова Хосият Халилова сингари тикувчилар ўз касбларини пухта эгалладилар.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот Россия, Украина ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларининг бошқа республикаларига экспорт қилинаётир. Тез орада Сардоба қўрғонида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозори юзини кўриб қолса ажаб эмас.

Шунингдек, вилоятнинг бошқа қишлоқларига ҳам астасекин жаҳоннинг илғор технологияси ютуқлари кириб келмоқда. Жумладан, ҳозирги пайтда Сирдарё районидаги «Шоликор» давлат хўжалигида Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси барпо этиш борасида иш олиб борилмоқда. Гулистон райони хўжаликларида эса Голландия технологияси асосида картошка етиштиришга киришилди. Боёвут райони хўжаликларида Италия ва Туркия мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликда турли енгил саноат корхоналари барпо этиш мақсади бор.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИШЛОҚ ЙИГИТЛАРИ АККУМУЛЯТОР ТАЙЁРЛАШМОҚДА

● Баҳром Бўтаев, Йўлчи Мингтўраев, Ҳамза Муҳаммадиевлар Шўрчи районнинг Ойнакўл қишлоғидан. Ота-боболари неки юмуш билан шуғулланиб келишган бўлса, улар ҳам шу ишга қўл солишган: пахта теришган, чорвага қарашган, ғалла ўришган...

Қишлоқ болалари дунёга қизиқиш билан қарашди. Замон йўриғини фаҳм торозисига солиб кўришди. Йўл излашди, топишди ҳам. Қозоғистоннинг Толдиқўрғон аккумулятор ишлаб чиқариш заводига бориб, касб ўрганишди.

Мана, бугун уларнинг ошиғи олчи. Шўрчи район асбоб заводи қошида очилган аккумулятор цехининг кўзга кўринган усталари саналишади. Цех 1993 йил бошида ишга тушди ва бир ой ичида 400 донадан ортиқ аккумулятор ишлаб чиқарди.

Қишлоқдан чиққан усталарнинг уқуви чакки эмас. Металл кесиш, уни пайвандлаш ишларини бажаришади. 10 дан ортиқ технологик юмушларни амалга оширишади.

Бир гал Қумқўрғондаги 21-автокорхонага борганимда корхона таъминотчисининг Шўрчидаги аккумулятор цехига минг бор қатнаб аккумуляторлардан ололмай қолдик. Талабгор шунча кўп. Наҳотки ўзимизда шунақа ишларни ташкил қилолмасак, деб минг таассуф билан қилган ҳасратининг устидан чиқдим. Қўряпсизми, бировнинг қутлуғ ишлари бошқаларда ҳавас уйғотади. Яхши ишлар табиийки шу ҳавасдан бошланади. Дарвоқе, Шўрчи районида ҳавас қиладиган ишлар оз эмас. Бултур бу ерда юмшоқ мебел. фабрикаси ишга тушди. Бутун Сурхондарё вилоятида етиштириладиган пиллани йигирадиган ва ундан атлас тўқийдиган корхона қад кўтарди. Югославиянинг «Экспресс Гдана» қурилиш концерни билан ҳамкорликда қурилаётган пойабзал фабрикаси ҳадемай маҳсулотини истеъмолга чиқаради.

О. УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАХРИЙЛАР ПЛЕНУМИ

Йиғилишда республика мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Андижон вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг котиби Т. Каримова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленумда уруш ва меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони Бектош Раҳимов кенгаш раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Қўмита раиси Р. Ғуломов аризасига биноан вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

А. М. МАРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Мардиевич Мардиев Ўзбекистон Республикаси адлия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ

Алишер МАРДИЕВ

Алишер Мардиев 1951 йилда Каттақўрғон районидаги Мўминхўжа қишлоғида туғилди. Тошкент давлат дорилфунунини 1973 йилда тугаллаб, Пахтачи районида прокурор ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1975 йилда Жиззах вилоятининг Жиззах районида прокуратура терговчиси вазифасига ўтди, 1978 йилдан Самарқанд вилоятидаги Пастдарғом райони прокурорига ёрдамчи бўлиб ишлагандан сўнг, уч йил Самарқанд вилоят суди аъзоси бўлди. 1981 йилда Самарқанд вилоят судида раис ўринбосари, 1982 йилдан раис лавозимларида ишлади. Алишер Мардиев 1990 йилда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши раиси ўринбосарлигига ўтди.

1991—1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ҳуқуқий-давлат бўлимига мудирлик қилди. Ўтган йили Алишер Мардиев Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига сайланди. У 1992 йилда 301-Қорадарё сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган.

Алишер Мардиев Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, маълумотига кўра юрист.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Б. Ҳ. УМУРЗОҚОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Баҳодир Ҳамидович Умурзоқов Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 24 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРИ

Баҳодир УМУРЗОҚОВ

Баҳодир Ҳамидович Умурзоқов 1951 йилда Булунғур районидаги Жонкуроз қишлоғида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1968 йилда Тошкент шаҳридаги «Ўзбексельмаш» заводида фрезерчиликдан бошлади. 1974 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини битиргач, Тошкент давлат тиббиёт институтининг сиёсий иқтисод кафедрасида ўқитувчилик қилди. Кейинроқ мазкур институт молия-режалаштириш бўлимини бошқарди.

1979 йилда Баҳодир Умурзоқов республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи вазифасига, бир йилдан сўнг вазир ўринбосари лавозимига тайинланди.

Баҳодир Умурзоқов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, иқтисодчи.

Ўзбекистон—Россия: ЎЗАРО КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

ШУ йил 23 февралда Москвада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков билан Россия Федерацияси ҳукумати Бош вазири В. С. Черномирдин учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларига оид икки томонлама муносабатлар масалалари муҳокама этилди. Икки томонлама алоқаларни ўзаро фойдали ва тенгҳуқуқлилик асосида такомиллаштириш ва ривожлантириш хусусида тўла битимга келинди. Учрашув якунида бир қатор муҳим ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Томонлар ўзаро маҳсулот етказиб бериш соҳасида ҳам, ўзаро ҳисоб-китоб борасида ҳам бир-бирларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишиб олдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Россиянинг иқтисодий ҳамкорлиги янада ривож топишига, иккала давлат иқтисодиётининг барқарорлашувига хизмат қилади.

Учрашув дўстона ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ДЎСТИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ-ЧИ?..

Яқин вақтларгача ўзбек газетхони Ўзбекистондаги демократия ва тараққиётнинг тақдири учун дунёда ҳаммадан кўра кўпроқ ким ташвишланаётганини яхши билиши амри маҳол эди. «Известия», «Независимая газета», «Московские новости» ва «Новое время» ташвишланаётган экан. Энди маълум бўлишича, мазкур «энг демократик нашрлар»нинг бу ғариб рўйхати кисқариб қолди. Ҳа, ёш ўзбек демократияси ҳақида... Вашингтонда уя қуриб олган АҚШ инсон ҳуқуқлари яҳудий кенгашларининг бирлашмаси ҳаммадан кўра кўпроқ қайғурмоқда. Нимасини айтасиз, Америка яҳудийларининг тошкентлик ўз сафдоши Абдуманноб Пўлатовни Ўзбекистондаги «золим маъмурлар»дан ҳимоя қилишдан ҳам муҳимроқ муаммоси йўқ-да.

Республикадан неча минг километр наридаги бу ташкилот арбоблари Россия матбуотига сохта ҳуқуқ ҳимоячиларининг гўё таъқиб этилаётгани ҳақидаги тутруқсиз гапни ўтказиб олишга нечун зўр бериб уринаётганликлари сабабини бундан бошқача изоҳлаш қийин. Айрим газетчиларнинг гўё ўзбек тоталитар тузумининг бегуноҳ қурбони хусусидаги оҳ-воҳлари ва оғиз кўпиртиришлари хаёсизликка айланиб бормоқдаки, бу машмаша қаршисида яқин Тожикистонда ҳам ёки босиб олинган олис Фаластинда ҳам инсон қадр-қимматигина эмас, одамзотнинг ўзи ҳам ҳақиқатан топталаётганини илғаб олиш қийин бўлиб турибди. Океан нариёғидаги бирлашма фаолари Тожикистонда бегуноҳ қурбон бўлган ўн минглаб кишилар ҳақида, ўз юртидан қувилган фаластинликлар тўғрисида, Югославиядаги фуқаролар урушининг даҳшатлари тўғрисида, дафъатан қашшоқлашиб қолган миллионлаб Россия фуқаролари ҳақида асло қайғураётгани йўқ. Улар Пўлатов ва унинг шериклари ҳақида қайғурмоқда. Норозилик телеграммалари, хатлар юборишмоқда, бунга дипломатия ваколатхоналарини жалб қилишмоқда, ҳаво тўлқинларини Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамони таъқиб этилиши ҳақидаги даҳшатлар билан қалаштириб ташламоқдалар.

Бақироқ хитобномалар остидаги имзоларга назар ташлайлик. А. Дубнов, И. Ротарь, М. Лебедева, Ю. Шмидт, яна уч-тўртта фамилий бор. Ана шу муаллифларнинг имзолари қўйилган айнан бир мазмундаги сохтакорликлар демократия таянчи бўлган «Известия»дан ўзини эркин деб атовчи «Московские новости» саҳифаларига, у ердан мустақиллиги шубҳали бўлган «Независимая газета», «Новое время» ёки Россиянинг «Вести»ларига кўчиб юрибди. Шу ғариб тўда Москвадаги Ўзбекистон элчихонаси биноси ёнида йўлтўсарлик қилиш билан чекланмай, адибларнинг марказий уйида журналистлар билан учрашув ҳам ўтказмоқда. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақидаги ҳеч бир далил-исботсиз ҳавойи гаплар ҳамма жойда қайта-қайта такрорланмоқда.

Ўша АҚШ яҳудийлар кенгашининг бирлашмаси Москва бюроси яқинда журналистлар билан уюштирган суҳбат мана шу сохта демократик машмашанинг ишбошилари ва ижрочилари кимлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Совет яҳудийларини ҳимоя қилиш бирлашмаси Москвадаги бўлимининг сиёсий директори Аркадий Дубнов машмашага бошқош бўлиб турибди. Ҳа, ҳа, бу зот «Новое время»нинг мухбири бўлиб, яқинда журнал саҳифасида босилган мақоласида ирғоғларча Тожикистондаги биродаркушлик уруши авж олишида Тошкентни гуноҳкор қилиб кўрсатишга, ўзбеклар билан тожикларни тўқнаштиришга уринган эди.

Уйдирмалар, далилларни сохталаштириш, бир ёқлама хулосалар чиқариш — мана шуларнинг ҳаммаси Дубнов ва шериклари ижодиётининг ўзига хос белгиларидир. Мана шу кимсалар «Пўлатов иши» тарзидаги яна бир қаллобликни тўқиб чиқардилар. Шу қаллоблик баҳонасида улар АҚШнинг собиқ давлат котиби Бейкер томонидан «Бирлик»ка бўлган зўр қизиқишнинг яна бир манбаини очишни хоҳламаётганмиканлар? Президент Ислом Каримов «Комсомольская правда» газетаси мухбирининг саволларига яқинда қайтарган жавобларига бу қизиқиш нечоғлик каттали-гини, масалан, бу савлатли ҳуқуқ ҳимоячиси «Бирлик» томонидан қонун талаблари бузилишига парво қилмасликни нақадар хиралик билан тавсия этганини гапириб берган эди.

Эҳтимол, жабрдийда, А. Пўлатов ҳеч қаерда ишламай, кўп вақтдан бери Москва, Истанбул, Бангкок, Лондон, Бокуга ва Тошкентдан жуда олис бошқа пойтахтларга сафар қилганида, бунинг учун керакли катта пулни кимдан олганини билишни истарсиз?

У қўлга тушган пайтда ёнидан бир ярим миллион сўмдан кўпроқ пул чиқди. Хўш, ўзини Ўзбекистонда меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилганман, деб юрган бечора доцент шунча пулни қаердан олди экан?

Ниҳоят, ҳалиги энг эркин, энг демократик ва энг либерал матбуот А. Пўлатовга инсон ҳуқуқлари миллий комитетининг раиси лавозимини бериш билан жуда ўтакетган сохтакорлик қилганининг сабаби нима? Ўзбекистонда бундай комитет бор, у рўйхатга олинган ва ишлаб турибди. Аммо унга бошқа киши — ҳурматли ва мўътабар ҳуқуқшунос олим бошчилик қилмоқда, унинг А. Пўлатовга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ана шу ва бошқа кўпгина саволларга виждонан жавоб қайтариш — «Бирлик»нинг айниб-чириган юқори табақаси хорижий махсус маҳкамалардан навбатдаги садақани олиш илинжида ўз халқига қарши ҳаракат қилаётганини, ҳар қандай туҳмат ва қабиҳликдан жирканмаётганини тан олиш бўлур эди. Уларнинг бутун фикри-хаёлида не-не саъй-ҳаракатлар билан қарор топтирилган осойишталик ва барқарорликни бузишдан, халқлар орасига нифоқ солишдан, уларни қарама-қаршилик гирдобига итқитишдан бошқа нарса йўқ.

Бу кимсаларнинг қисмати — аянчли. Ўз илдизларидан маҳрум бўлган инсонлар раҳм-шафқатга умид боғлай олмайдилар. Улар ўзгаларнинг ювиндихўрларига айланган мурталдар қисматига учраб, ҳамманинг нафратига дучор бўлишлари муқаррар.

А. АУЛОВ,
журналист. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси.
Тошкент.

● ТАҲРИРИЯТДАН. «Правда Востока» бу мақолани эълон қилиш орқали демократияни ривожлантиришга қарши чиқаётгандек бўлиб туюлмасин. Энг муҳим тушунчаларни сохталаштириб, ҳақиқий далилларга хилоф равишда ўз йўлини тиқиштираётган бу кампания ташкилотчилари гуруҳи республикадаги вазиятни айнан шундай деб тасвирлашни жуда хоҳлар эдилар. Бироқ, қонунни бузиш — демократия эмас, ҳолбуки Пўлатов қонунни бузишда айбланди, «Бирлик»нинг имзоси билан русийзабон аҳолига пўписа сўзлар ёзилган миллатчилик руҳидаги варақаларнинг тарқатилиши эса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмас. «Бирлик» раҳбарлари бундай варақалар ёзганликларини тан олмаяптилар. Аммо улар халойиқ олдига чиқиб, газетамизда шу хусусдаги ўз фикрларини тушунтириб бериш ҳақидаги ҳамма даъватларни жавобсиз қолдирдилар. «Бирлик» раҳбарлари зўр бериб шуғулланган бирдан-бир иш шу бўлдики, улар Ўзбекистон ташқарисида туриб республикани ва унинг раҳбарларини бадном қилишга киришдилар. Айрим собиқ марказий нашрларга эса айни шундай кимсалар керак.

Ҳозир Москвадаги баъзи оммавий ахборот воситалари қилаётган ишларнинг ахборотга мутлақо дахли йўқ. Москвалик журналистлар ўзларини «тўртинчи ҳокимият» деб атаб, шу ҳокимиятнинг ёлғоняшиққа асосланган сиёсий фаолиятини авж олдирмоқдалар, бошқа давлатга нисбатан тажовузкорлик ҳаракати қилмоқдалар. Бунга эса бепарво қараб туриш, уни жавобсиз қолдириш мумкин эмас.

(«Правда Востока» газетаси, 25 февраль).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

⊙ ФАРҒОНА

Фарғонада вилоят юрт оғаларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида баён этилган фикрлар ва республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги қарори асосида вилоят иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими М. Исломовнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида асосий эътибор йил якунлари таҳлилига қаратилди. Масалан, ўтган йили халқ истеъмоли моллари ҳажми ортган бўлсада, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайди, гўшт, сут, тухум сотиш режалари бажарилмади. 6 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Бунга иқтисодиёт масалаларига етарлича эътибор берилмагани сабаб бўлгани айтилди.

Йиғилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

⊙ ЖИЗЗАХ

Жиззахда юрт оғалари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида баён этилган фикрлар ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги қарори асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Вилоят ҳокими Э. Турсуновнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида меҳнаткашлар олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун аввало тартиб-интизом, изланиш, ташаббускорлик зарурлиги, ҳалол ва самарали меҳнат туфайлигина фаровонликка эришиш мумкинлиги айтилди.

(ЎзА).

⊙ НАВОИЙ

Навоий вилояти фаоллари-нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда район ва шаҳар ҳокимлари, вилоят бўлим ва бошқармалари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги йиғилишида республика Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди, Ушбу масала юзасидан вилоят ҳокими муовини З. Галямов маъруза қилди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати А. Айдарқулов вилоят меҳнат аҳли олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапирди.

М. ШАРОПОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

ПАРТИЯ — ИЖОДКОРЛАР ИШЛАЙДИГАН ЖОЙ-

ДЕЙДИ ХДП ҚИЗИРИҚ РАЙОН КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ ЭШОНҚУЛ ХОЛИҚОВ

Яқинда мухбиримиз район кенгашида бўлиб, унинг биринчи котибига саволлар билан мурожаат этди.

— Эшонқул Зоирович, сизни одамлар ёшлигидан катта ишларда ишлаган, ёшлигидан «ўсган» одам дейишади...

— Бир неча йил районда комсомолнинг каттаси бўлдим. Ижтимоий фанлар академиясини тугатиб, район партия қўмитаси ташвиқот-тарғибот бўлимини бошқардим. Сўнг иккинчи котиблик. Ҳозирги ишим — ўзингизга маълум...

— Ҳозирги ишингизни одамларнинг манбасига, лавозимига қараб муомала қиладиганларнинг тили билан айтганда «каттачилик»ка қўшса бўладими?

— Мансабу лавозимни кўплар «каттачилик» деб айтади. Лекин бир нарсани айтаман: мансабни эгаллаган ўзидан-ўзи элнинг раҳбари бўлиб қолавермайди. Раҳбар мансабнинг юкини торта билган одамдан чиқади. Котибликдан, тўғриси, аввалига ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмади. Ва айни пайтда фурсат пойлаб котибликдан бошқа бир «мойли»роқ ишга ўтиб кетаётганларга тақлид этиш ҳам кўнгилга сиғмади. Кемага тушдингми, эшкак эшиб кўришдан қочмаслик керак. Қочоқлик ҳамиша номардлик саналган. Ишлаш керак. Ишлаганда ҳам... қалб амри шу бўлди.

Мен ўзимни бугунги кунда «раҳбарман» деб мақтамайман. «Раҳбар», «Юрт боши» дегани асли одамга одамлар томонидан бериладиган унвон, деб қарамоқ керак. Лекин, бор гапни айтиш лозим бўлса, айтаманки, район аҳли мени ҳам «раҳбар» деб билади. Демак, кунни бекорчилик билан ўтказмаяпмиз.

— Сизнинг раҳбарлигингиз нималарда кўринятпи?...

— Биз ўзимизга юқори баҳо бермаймиз. Мен ҳам бир раҳбарман, деб жар солмаймиз. Ёки ҳокимнинг фалон топшириғини бажармоғимиз керак, деб елиб-югуриб ҳам юрмаймиз. Биз дастуримизда белгиланган вазифалар кўламида фаолият юритамиз. Дастуримизда «...партиянинг... олий мақсади меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг... моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратишдан ... иборат» деган гап бор. Шу оддийгина қоиданинг ўзи ташкилотимизга катта масъулият юклайди. Ҳокимлик бирон яхши ташаббус билан чиқса, жон деб қўллаб-қувватлаймиз. Уни амалга оширишга бош қўшамиз. Кадр тайинлашда муносабатимизни билдирамиз. Ва халқнинг кўнглига ўтирмайдиган ишларни кўрганимизда тилимизни тишлаб ўтиравермаймиз ҳам. Масалан, 1992 йилда пахта териш мавсуми қийин кўчди. Районда катта сафарбарлик эълон этилди ва бу сафарбарликка... бошланғич синфларнинг ўқувчилари ҳам жалб қилинди. Биз дефолиация ўтказилган майдонларда мактаб болалари пахта термасин, деган масалани кўндаланг қўйдик.

Район иқтисодиётидаги оқсаётган соҳаларда ишни яхшилаш имкониятларини топишга эътиборни кучайтирямиз. Яқинда ижроия бюромиз газлаштириш идораси, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, қишлоқ хўжалигига электр хизмати кўрсатиш идораси бошлиқларига нисбатан ишончсизлик билдириб, ҳокимликка таклифлар киритди. Районда саноатни ривожлантириш, газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, қишлоқларни ободонлаштириш масалалари бўйича ҳам таклифларимизни, фикрларимизни билдирмоқдамиз.

— Яқинда кенгаш қошида «Иқтидор» деб номланган клуб очипсизлар...

— Тўғри эслатдингиз. Районимиз иқтидорли бахшилар шоирлар, қўшиқчилар юрти. Уларнинг деярли ҳаммасини яқинда кенгашимизга таклиф этдик. Қани, нима дардларинг, нима режаларинг бор, деб сўрадик. Биринчидан, ижодкорларга эътибор қилганимизда минатдор бўлишди. Иккинчидан, халқ демократик партияси халқ билан янада яқинроқ бўлсин, партиянинг адолатни ёқлаб қилаётган ишларига биз ҳам яқиндан ёрдам берамиз, дейишди. Шоирларимизнинг шеърларидан даста тайёрлайдиган бўлдик. Машҳур бахшимиз Хушбоқ Мардонқул ўғли бахшилар ҳаётидан китоб ёзадиган бўлди. Мактаблардаги энг иқтидорли болаларни аниқлаб, уларнинг тўрттасига кенгаш ҳисобидан стипендия белгилашга келишдик.

Умуман, партиямиз — ижодкорлар ишлайдиган жой. Бироқ бу гапни, кенгаш энди шоирларнинг ижодини таҳлил этиш билан шуғулланиб қоладиган идорага айланар экан-да, деб тушунмаслик керак. Айтмоқчиманки, ҳар ишга, ҳар бир масалага, ҳатто аъзолик бадалларини йиғиштиришга ҳам ижодий ёндашув зарур, деб ўйлайман.

— Молиявий масалалардаги ижодкорликларингиз нечук?

— Молиявий ижодкорлигимиздан нолимаймиз. Биз эҳтимол республикада биринчи бўлиб хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашни ёқлаб чиққанмиз. Ҳоким Раҳмат Шойимов пахта етиштиришимиз учун 35 гектар ер ажратиш тўғрисидаги сўровимизни рад қилмади. «Истара» давлат хўжалигидан С. Бердиев бошлиқ бригада бизнинг ҳисобимизга ўтиб ишлай бошлади. Бор харажатларни зиммамизга олдик. Лозим бўлганда партия ходимлари ўша далага бориб ишлашди. Натижа ёмон эмас. 120 тонна ўрнига 130 тонна пахта ишлаб чиқардик. Бу ишдан ҳисобимизга ҳозирча 3 миллион сўмдан зиёд пул тушди. Бунинг устига аъзолик бадаллари вақтида тушиб тургани қувват бўлмоқда. Биз асаларичилик ширкатини тузмоқчимиз. Кичик темир-бетон заводи қурмоқчимиз. Хуллас, молиявий жиҳатдан оёққа туриб олдик, десам, хато қилмайман. Бу, албатта, қўнгилли ҳолатдир. Мана, янги йил байрамида яхши ишлаётган бошланғич партия ташкилотлари котибларини 4 минг сўмгача бўлган мукофот билан рағбатлантирдик. 70 дан ортиқ кекса партия аъзоларини аъзолик бадали тўлашдан озод этдик. Айрим оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказиш ҳаражатлари учун қийналмайдиган бўлдик. Энди бу йилдан бошлаб партиянинг нашрларига амалий ёрдам кўрсатамиз.

Хуллас, бугунги кунда ҳеч ким обрўни, нуфузни бекордан бекорга ҳадя қилмайди. Бироқ одамлар ишлаганни билади. Ишда ўзини кўрсата билганга ихлоси ортади. Ихлоси ортса, изингдан эргашади. Масалан, Парда Ашуров, Ғаффор Жумаев, Раҳмонқул Замонов, Маҳам Қаршиев кабилар котиб бўлиб ишлаётган партия ташкилотлари ана шундай — одамларни ўз изидан эргаштира биладиган ташкилотлардандир. Бор гап: яқинда «Кунчиқиш» давлат хўжалиги партия ташкилоти номига «Мени сафингизга қабул қилинг»деган мазмунда ариза тушибди. Аризанинг муаллифи ким дейсизми, бошқа партиянинг собиқ фаолларидан бири экан.

Биз вилоятда биринчи бўлиб партия билетларини эгаларига бериб чиқдик. Такрор бўлса ҳам айтаманки, халқ орасида ўз ўрнимиз, нуфузимиз бор. Одамлар билан гаплашадиган гапларимиз, қиладиган ишларимиз кўп.

Мақсадимиз — бу мавқени мустаҳкамлашдан, элнинг хизматига бундан буён ҳам камарбаста бўлишдан иборатдир.

Суҳбатни Олимжон УСАНОВ ёзиб олди.

Сурхондарё вилояти.

ХОРИЖГА ҲАМ ЖЎНАТИЛМОҚДА

Қудратли машиналарсиз давлатимиз келажагини тасаввур этиш қийин. Тошкент экскаватор заводида ишлаб чиқарилаётган машиналар нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам машҳур.

Бу ерда ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари муттасил ўзлаштириб борилди. Натижада замонавий экскаваторлар тайёрлаш кенгаймоқда. Бундай машиналар хорижий мамлакатларга ҳам юборилмоқда.

Суратда: 1-механика цехининг токорлари Муҳаммад Каримов, Алишер Қўчқоров, Ҳамидулла Абдуллаев ва Игорь Захаровлар.

Абдусаттор ТЎРАЕВ олган сурат.

• *Мутахассис мулоҳазаси*

ЯНГИ МАШИНА ЯРАТИШ ОСОНМИ?

Албатта қийин. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда янги машина-механизм яратишнинг ўзи бўлмайди. Чунки, илгаригидек конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот институтларини давлат томонидан моддий қўллаб туришнинг имкони йўқ.

Тўғри, ҳозир республикамиз хўжаликлари эски техника асосида иш олиб боряпти. Вақт ўтиб бу техника ишдан чиққач, янги машиналарга эҳтиёж сезилиши аниқ. Шуни ҳисобга олиб, яқин вақт ичида қишлоқ хўжалиги учун янги техника яратиш ишига муносабатларни тубдан ўзгартириш лозим. Фикримизча, собиқ Иттифоқ йўқ бўлгандан кейин техника соҳасида бош буюртмачи республика ҳукумати бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистонда бой конструкторлик имконияти мавжуд. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида машиналар яратувчи кашфиётчилар анчагина. Уларни сақлаб қолиш ҳамда яратувчилик фаолиятидан самарали фойдаланиш учун аниқ мақсадга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда 400 номдаги машина-механизмлардан фойдаланилади. Уларнинг 52 тасини республика корхоналари ишлаб чиқаради. Жумладан пахтачилик, ипакчилик, боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳалари учун ўзимизда техника воситалари тайёрланаётгани дуруст.

Бироқ 300 турдаги техника МДҲ давлатларидан республикага келтирилади. Шу боис илгари ўрнатилган илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш алоқаларини узмаслик, балки бундай алоқаларни қайтадан тиклаш муҳимдир. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини биргаликда ўтказишни мувофиқлаштириш вақти ҳам келди. Бу ҳамкорлик ишига конструкторлик бюромиз жамоаси муҳим ҳисса қўшиши мумкин. Чунки биз бу соҳада ўтган йиллар мобайнида аначгина тажриба тўплаганмиз.

Дарвоқе, кейинги пайтда Ўзбекистонга хорижий техника ва технология воситаларини келтириш кучайди. Бунинг учун миллионлаб валюта маблағлари сарф-ланмоқда. Албатта, хориж технологияси анча самарали ишлайди. Бироқ шуни унутмаслик керакки, уни бошқариш учун етук мутахассислар зарур бўлади. Уларни чет элда ўқитиб, тайёрлашга ҳам анчагина маблағ сарфлашга тўғри келади. Фикримча, эндиликда Ватанимизда тайёрланган техникани хорижнинг замонавий технологиясига мослаштириш лозим. Айниқса, қишлоқ хўжалигида шундай тадбирлар амалга оширилса, самара бериши аниқ.

Дарҳақиқат, бу борада дастлабки ҳамкорлик ишлари бошлаб юборилган. Жумладан, Исроил фирмаси вакиллари билан биргаликда пахтачилик машиналари яратиш устида иш олиб борилмоқда. Хитойлик мутахассислар билан ҳам алоқа боғлашга интиляпмиз. Бизни хитойликларнинг деҳқонлар учун кичик техника воситалари ишлаб чиқариш борасидаги тажрибалари ҳам қизиқтирмоқда. Масалан, фермер хўжаликлари ва якка тартибда иш олиб борувчилар учун яратилган ўн-ўн беш от кучига эга бўлган техника воситалари деҳқонларимизга жуда қўл келади.

Хулоса шуки, Ўзбекистон бой илмий-конструкторлик ва ишлаб чиқариш кучларига эга. Эндиликда улардан аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланилса, республикада техника тараққиёти тезлашиши турган гап.

Р. МАТЧОНОВ,
пахтачилик машиналари учун махсус бош конструкторлик бюроси бошлиғи, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси мухбир аъзоси.

Партия ахбороти

«МЕНИ САФИНГИЗГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ...»

Вилоят радиоси мухбири А. Ашуров вилоят партия кенгаши бошланғич партия ташкилотига ана шундай мазмундаги мурожаат билан келди. Ўша куни «Узкультторг» вилоят базаси шофёри Е. Зайкин, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишчиси Э. Бегимов ва бошқалар ҳам ана шундай ариза ёздилар.

— Ўтган йили вилоят бўйича 3 минг нафардан зиёд киши партиямиз сафига кирди, — дейди вилоят партия кенгаши ички партиявий ишлар ва ноиблар билан ишлаш бўлими мудири Ё. Маматов. — Жами аъзоларимиз сони 31 минг нафарга яқинлашиб қолди. Шуниси қувончлики, вилоятдаги жуда кўплаб корхона, хўжалик ва бошқа жамоаларда меҳнаткашларнинг талаблари асосида бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА ЭТИБОР

● Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводи бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини бажара бориб, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият бермоқда.

Партия ташкилоти яқинда бўлиб ўтган йиғилишларидан бирида шу ерда ишлаётган байналмилалчи жангчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишни муҳокама қилганди.

Маъмурият бу борада белгиланган таклифни ўринли, деб билди. Эндиликда мактабгача тарбия муассасаларига қатнайдиган байналмилалчи жангчиларнинг фарзандлари тўлов ҳақи 50 фоиз қилиб белгиланадиган бўлди. Собиқ Иттифоқнинг ҳарбий қўшинларида хизматни ўтаган жангчиларга эса корхона уй-жой коммунал хўжалиги ҳисобидан уйлар хусусий мулк қилиб берилади.

Ҳусан ИБРОҲИМОВ.

„ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕНИНГ" КОНКУРСИГА

Публицистика — *Оқилжон Ҳусан*

ЧЎЛЛАР ТАРИХИДАГИ ОҚ ДОҒЛАР

ВОҚЕЛИКНИ ТАФАККУРнинг онаси, дейдилар. Сўнгги ўн йилликлар давомида юз берган тезкор воқеалар халқимизнинг онги-шуурини оширди. Айтайлик, ўн йиллар аввал СССР дейилмиш улкан салтанат чоқчокидан сўкилади, унинг ўрнида бир нечта мустақил давлатлар пайдо бўлади, деб ким ҳам ўйлаган эди?

Не бахтки, халқимизнинг асрий орзуси ушалди. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришди. Энди бундан буён юртимизнинг иқболига, халқимизнинг феъли-атворига, меҳнатдаги рағбатига кўз тегмасин. Азалий анъаналаримиз ва қадриятларимизнинг тикланаётгани, диёнатга, иймонга кенгроқ йўл очилиб, инсофбарака сари юз тутаётганимиз — булар ҳаммаси яхшиликдан далолат.

Бироқ яқин ўтмишда юз берган айрим қусурли ишларнинг асорати ҳамон давом этаётганидан кўз юма олмаймиз. Саксоннинчи йилларнинг ўрталарида юз берган воқеалар қайси бир жиҳатлари билан Сталин давридаги қатағонларни эслатади. Қама-қамаларнинг авж олиши, «Наврўз» байрамини тақиқлаш, акасининг жанозасида тўй қилиб тургани учун укани партия сафидан ўчириш — эҳ-ҳе, қайси бирини санайсиз!

Ўша йиллари танқиднинг тиғи қаратилган ишлардан бири чўлларнинг ўзлаштирилиши бўлди. Бу ҳаракат кўпроқ Шароф Рашидов номи билан алоқадор ҳолатда қамчи остига олинди. Пахта яккахокимлиги ҳам, янги ерларни ўзлаштиришга катта маблағ сарфлаб юборилгани ҳам (маблағнинг асосий қисми Ўзбекистондан эмас, Марказдан ундириларди), Орол денгизининг сатҳи пасайиб кетиши ҳам қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлаб гапирилди.

Тарихни яхши билмаслик одамни шу хилдаги асоссиз хулосалар чиқаришга олиб келади. Акс ҳолда бунақа далилсиз-исботсиз, мантиққа зид гаплар бўлмасди. Ахир Ўрта Осиёдаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласи Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, аниқроғи, 1918 йилда бошланган эди-ку? Ва бу ишнинг бошида Ленин турган эди. Мирзачўл ерларига сув чиқариш ундан ҳам аввал чор Россияси даврида бошланган эди. Айтайлик, Славянска, Крестьянка, Погран-Орловска, Велико-Алексеевский сингари манзилларга инқилобгача асос солинган эди.

Экинзорлар кенгайтирилишининг кейинги босқичларига ўтадиган бўлсак, Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ёппасига ўзлаштиришга 1956 йилнинг ёзида киришилди. Бу орада Марказий Фарғона, Қарши ва Шеробод чўлларини ўзлаштириш ҳам давом этди. Мабодо бундай улкан тадбир да хатоликлар бўлган тақдирда ҳам уни фақат бир одамга тақаш инсофдан эмас.

Энди масаланинг иккинчи тарафига назар ташлайлик. Қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши туфайли Ўзбекистон зарар кўрдими? Қадимий чўллар ўрнида қад кўтарган ўнлаб районлар аввалдан мавжуд бўлган шаҳарлар билан беллаша оладиган масканлар бизга қарашлими ўзи? Кўрса кўз қувнайдиган қўрғонлар халқимизнинг мулки эмасми?! Бир вақтлар тақир чўл бўлган майдонларда етиштирилаётган ноз-неъматларни айтмайсизми? Бундоқ бир кўз олдимизга келтирайлик: чўллар чўллигича ётаверганида Ўзбекистон аҳолисини тўйдиришу кийинтириш осон бўлармиди? Қолаверса, аҳолининг уй-жой билан, томорқа билан, иш билан таъминланганини нега эсдан чиқарамиз? Ахир кечаги чўллар, шартли маънода бўлса ҳам, жумҳуриятимиз аҳолиси сонининг ўсишига имкон яратди-ку.

Бор нарсалардан кўз юмиш, реал воқеликни кўрмасликка олиш, машаққатлар билан юзага келган ишларга беписандлик билан қараш, оқни қора, қорани оқ дейиш, эҳтимол бировлар учун жуда осон бўлиши мумкин. Лекин бу адолатсизлик, ноинсофлик деб баҳоланиши керак... Улуғ Ватан урушигача ва урушдан кейинги йилларда бепоён бир ҳудудда Тошкент ва Самарқанд вилоятлари жойлашган эди. Вилоятлар ўрталиғидаги асрий чўллар шартли равишда иккига бўлиб берилган эди. Вақти-соати етиб ўша заминда яна икки вилоят — Сирдарё ва Жиззах вилоятлари барпо этилди. Ва ҳар иккала вилоят ҳам бирон бир соҳада ўз акаларидан орқада қолишмади. Хўш, бунинг нимаси ёмон?!

Дил тубида бир оғриқ бор. Агар ўша оғриқ бўлмаганда, эҳтимол, бу ҳақда ёзиб ўтирмаган бўлардим. Мана бутун дунё кўз ўнгида Ўзбекистонимиз кўпдан кутилган истиқлолни қўлга киритди, юртимиз мустақил давлат сифатида қаддини ростлаб олаётир.

Юқорида тилга олинган қатағон йилларида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши», «Қўшиб ёзувчилар» сингари тавқи лаънату баҳоналар билан қамалганлар ноҳақ азоб чекдилар. Адолатсизликка чидолмаган не-не кадрларимиз турмаларда жон таслим қилдилар, яна қай бирлари хонадонларига қайтганларидан кейин узоқ яшай олмадилар. Халқимизнинг қалби қаттиқ эзилди ўша машъум йилларда. Одамларнинг қўли ишга бормай қолди.

ХАЙРИЯТ, ЗУЛМАТЛИ тундан сўнг тонг отиб, қуёш чарақлаб чиққани янглиғ яхши кунларга етиб келдик. Ҳибсга олинганлар бирин-кетин озод этилдилар, оқлов қоғозларини олдилар. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу борадаги саъйи-ҳаракатларию ҳиммати ташаббусларига жамики эзгу ниятли одамлар дуо қилишди.

Битта нарсани тан олиш керак: халқимиз кимларнингдир ғазабига дучор этилган ўша йилларда ўзлаштирилган қўриқ ерлар ҳам, чўлқуварлик касби ҳам қатағонга учради. Қадимий чўллар ўрнида пайдо бўлган Сирдарё ва Жиззах вилоятлари сунъий равишда қўшиб юборилди. Қалтабинлиқ билан амалга оширилган бу тадбир туфайли давлат ва халқ кўрган зарарнинг ҳисоб-китоби бўлмаса керак.

Аслида бу тадбир онгли равишда қилинган эди. Унинг таги-заминида машъум бир режа бор эдики, унинг «ижодкорлари» муайян вақтгача ўз режаларига эришдилар ҳам.

Маълумки, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари халқи азалдан қон-қардошга, оға-инига айланиб кетган эди. Жумҳуриятимизнинг турли минтақаларидан келиб, туп қўйиб палак ёзган чўлқуварлар бир-бирларидан тажриба ўрганиб, бир-бирларига ёрдам қилиш лозим эди улар учун. Икки тараф жанжаллашиб қолганда учинчи бир кишининг «катта ака» бўлиб «ажратиб қўйиши» яхши-да! Шундан кейин ўша «ака» икки тарафга ҳам ўз «йўриғи»ни ўтказавераді!

Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг қўшиб юборилиши замирида ана шунақа «қалтис ўйин» бор эди. Бу «қалтис ўйин» «рашидовчилик» деган иборани ўйлаб топган раҳбарларга ҳам ёқиб тушди. Дунёқарашлар мос келиб қолса яхши-да!.. «Иккала вилоятни қўшиб юбориб, Жиззахнинг номини ҳам харитадан ўчириб юборса бўлмасмикин?..» Мақсад шундай эди аслида. Иккала вилоят бирлашса, қайси шаҳар марказ бўлади? Дастлабки жанжаллар, юқорида айтганимиз оға-ини, қариндош-уруғларнинг араздашувлари, бир-бирига шумшик кўринишлари шундан боланди.

«Жиззах марказ бўладиган бўлса, раҳбарлар Сирдарёдан борсинлар». Бу гўё адолатли тадбир эди. Ва «десантчилар»нинг пешқадам вакилларидан бири Александр Клепиков Гулистон шаҳридан Жиззахга қараб жўнади. Фақат бир ўзи эмас, ўзининг «сарой аъёнлари» билан албатта. Жиззахлиқ аксарий раҳбарлар, мутахассислар ишсиз қолишди. Кўпчиликнинг асаби таранглашди, кайфиятлар тушкунликка юз тутди, аввалги қариндош-уруғлар, қуда-андалар сан-манга бордилар. Сув қатиқ лойқаланди. Вилоятдаги юмушлар эса олдинга силжимасди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Сабаби: асосий қисм раҳбарлар Гулистондан Жиззахга қатнаб ишлардилар.

Хайриятки, бу мантиқсиз ишларга вақти-соати етиб чек қўйилди. Бироқ, дил тубидаги оғриқлардан бири шуки, чўл ўзлаштириш тадбири, чўлқуварлик касби ҳамон расмий равишда оқлангани йўқ. Ваҳоланки, қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ўзбек халқининг яқин тарихига айланиб қолди ва қолаётир. Тарихни эсдан чиқаришга, саҳифалардан уни кўчириб ташлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тарих фақатгина холисона, бегараз ўрганилиши керак.

Эллигинчи йилларнинг ўрталарини жуда яхши эслайман. Матбуотда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, чўлқувиш ҳақида ҳаяжон билан ёзиларди. Тарихий сиймони акс эттирувчи «Чўлқувар» деган янги сўз пайдо бўлган ди. Шу билан баробар чўлқуварларнинг байроқдорлари пайдо бўлдилар. Мамажон Дадажонов, Маннон Жалолов, Шамсиқамар Тўхтаева, Зокир Санақулов, Аҳмаджон Валиев... Сал кейинроқ эса, Инобат Охунова, Собиржон Сиддиқов, Расул Ҳайдаров, Исломжон Абдуллаев, Рўёб Маматова, Ҳолбуви Рустамова ва бошқалар етишдилар. Бу номлар ўша йиллари жумҳуриятимиз ҳаётида жуда катта ишлар олиб борилганидан далолат беради.

Афсуски, саксоннинчи йилларнинг ўрталарида бундай эзгу, савобли ишларга ҳам соя ташланди. Фидойилик билан ишлаб ном қозонган кишиларга катта йиғинларда ва ҳатто иш жойларида қаттиқ танбеҳ берилди. Чўл ҳақида, чўлқуварлар ҳақида рўзномаю ойномалар камдан-кам ёзадиган бўлдилар. Воқеалари чўлда кечадиган бадиий асарларга ўғай кўз билан қараш юзага келди. Ачинарли тарафи шундаки, чўл ўзлаштиришга, чўлқуварлик касбига бўлган ўша пайтдаги муносабатнинг оқавалари ҳали ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг давлат хўжаликлари мулкини ўзгартириш хусусида чиқарган қарори бутун жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан чўллар ўрнида пайдо бўлган жойларда ҳам улкан ишлар амалга оширилишига имкон туғдиради. Ўз меҳнати ва ташаббуси билан мақтовга сазовор бўладиган фидойи кишилар чўл ҳудудларида яна етишиб чиқадилар. Улар янги даврга мос ва хос, жонажон Ватан истиқлоли учун хизмат қиладиган ишларни амалга оширадилар. Шунга эришайликки, токи эл бойлигига бойлик қўшиш учун катта курашга тушган мард, танти фарзандлар «Мен чўлқуварман!» деб баралла айта олсинлар. Чўлқуварлик тарихида оқ доғлар қолмасин.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ПУЛ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

● Навоий машинасозлик заводи ишчиси Эркин Турсунов ўз шахсий ҳужжатлари ва 12 минг сўм пулини йўқотиб қўйди.

Бу ҳақда маъмурий идораларга хабар қилди ва ҳужжатлар йўқолганлиги хусусида вилоят рўзномасига эълон берди. Орадан икки кун ўтгач, пул ҳам, йўқолган ҳужжатлар ҳам ўз эгасига қайтди. Бу ҳалоллик, саҳоватпешалик Эркиннинг ҳамкасби Виктор Башличовдан чиқди. У ҳам машинасозлик заводида меҳнат қилади. Қани энди, ҳамма ҳам ана шундай чин инсоний хислатларга эга бўлса.

Музаффар ШАРОПОВ.

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

● Президентимизнинг жумҳурият «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги Фармонидан кейин Андижон вилоятида ҳам бу ишлар жонланиб кетди.

— Ҳар бир маҳаллада бошқарув идораси, новвойхона, чойхона, гўшт, сабзавот, озиқ-овқат дўконлари, сартарошхоналар, этикдўзлик ва бошқа маҳаллий ҳунармандчилик устахоналари бўлиши керак, — дейди вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарув ҳайъатининг раиси Аминжон Солиев. — Бунга эришиш учун маҳалла қўмиталарининг раислари, фаоллари, оқсоқолларига таянган ҳолда иш олиб борамиз. Бу ишда вилоят, шаҳар ва район ҳокимларининг амалий ёрдами ҳам керак.

Ҳозирданоқ вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисобига пул туша бошлади. Бу хайрли ишни вилоятда биринчи бўлиб Андижон гўшт комбинати, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Пистамозор» кичик корхонаси, Олтинкўл трикотаж матолари фабрикаси, Андижон районидаги И. Бакиров номли, Бобур номли, А. Исмоилов номли жамоа хўжаликлари бошлаб бердилар.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ

— Яхшиям ўз вақтида ёрдамчи хўжалик ташкил этган эканмиз. У ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ишчи-хизматчиларимизга жуда катта ёрдам бераяпти, — деди Челак район газлаштириш идораси бошлиғи Ғайрат ака Ҳайитов.

Ёрдамчи хўжаликда 15 бош қорамол, 100 бош қўй-эчки боқилмоқда. Ўтган йили бу ерда 2 тонна гўшт ва шунча серқаймоқ сут ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг ҳаммаси жамоа аъзоларига арзон чархда сотилди.

Бундан ташқари, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган дон ҳосилидан ҳар бир хизматчига 350 килограммдан бўлиб берилди. Жамоа аъзолари қишга етарли миқдорда сабзи, картошка, нўхат билан ҳам таъминланди.

Дарвоқе, ёрдамчи бўлинмада бор-йўғи 8 киши ишлайди. Чорвачиликдан ташқари 100 гектар майдонда дон, 4 гектарда беда ва бошқа экинлар парвариш қилинмоқда. Қишлов даврида ҳам сигирлар сутининг ёғлилиги пасаймади.

Жамоа аъзолари бундай ғамхўрликка жавобан астойдил меҳнат қилмоқдалар. Биргина ўтган йили район территориясида 40 километр узунликда газ қувурлари монтаж қилинди. Ҳозир 12 та қишлоқ аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

ОТА-ОНАЛАР ТУРКИЯДА БЎЛИШДИ

● Туркияда таълим олаётган жиззахлик қизларнинг ота-оналаридан бир неча нафари фарзандлари ҳузурида бўлиб қайтишди.

Ана шулардан бири Арнасой районида яшовчи меҳнат фахрийси Эргаш Тўраев шу кунларда Анқара, Измир, Истамбул шаҳарларидаги талабаларнинг совғасаломлари, мактубларини уларнинг ота-оналарига етказяпти. Ҳозиргача отахон Фориш, Бахмал районлари, Жиззах шаҳри хонадонларида бўлиб, ўзбекистонлик талабаларнинг турк ва инглиз тилини қунт билан ўрганаётганликлари, улар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берди.

Баҳриддин САТТОРОВ.

ФАН ВА ТУРМУШ

МЕҲМОНИМИЗ

Муҳаррирлиятимиз илмга, ўз тарихига, ижтимоий-сиёсий воқеаларга, фан-техникага қизиқувчан муштарийларининг ойномамизга содиқлигини бу йилги обуна давомида яна бир бор ҳис этди. Биз уларнинг бу қизиқишини янада ошириш истагида турли соҳадаги таниқли кишилар билан долзарб мавзуларда суҳбат олиб боришни режалаштирдик.

« Сиз кутган суҳбатдош» рукнидаги илк саҳифаларни Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси раиси, академик Бек Ойбекович ТОШМУҲАМЕДОВ билан бўлган мусоҳабадан бошладик.

«БУ ВАЗИФА АНЧА ОҒИР ЭКАН...»

— Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг ташкил этилиши мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги зарур вазифалардан бири эди, уни қутламоқ керак. Комиссиянинг вазифаси ҳақида умумий тасаввуримиз бўлса ҳам, уни янада кенгроқ баён этсангиз.

— Мустақил жумҳуриятнинг шундай ташкилоти бўлиши, албатта, табиий ҳол. Бу тўғрида ўтган йили республика Президентининг фармони чиқди ва у тезда амалга ошди. Асосий вазифага келсак, уни ташкилотимиз номи айтиб турибди. — аттестация, яъни баҳолаш. Аниқроқ айтсам, жумҳуриятимизда турли соҳаларда ёқланажак диссертацияларни назоратдан ўтказиб, тасдиқлаш ҳамда илмий унвонлар, жумладан, доцентлик ва профессорлик унвонларини бериш.

— Унинг босқичларини айтиб берсангиз.

— Институтларнинг мутахассислик бўйича ихтисослаштирилган кенгашида тасдиқланган диссертация Олий аттестация комиссиясининг эксперт кенгашига келиб тушади. Кенгаш уни обдон таҳлил этади. Сўнг комиссия Ҳайъатига топширилади. У ҳам умумий хулосаларни ҳисобга олган ҳолда лозим топса тасдиқлайди.

— Кечирасиз, лозим топмаса-чи! Бунга таниш-билиш, олимларнинг ўзаро шахсий муносабатлари, шахсий манфаатдорлик каби илм тараққиётига халақит берувчи омиллар таъсир этмайдими? Илгарилари шундай ҳоллар бўлганини кўп эшитганмиз, энг «зўр» олим ҳам бундай ҳолларда «тойиши» мумкин-ку.

— Тўғри, лекин биз учун энг биринчи талаб холис бўлиш. Буни фақат кимнингдир виждонига ташлаб қўя олмаймиз, талаб қиламиз ҳам. Бир-бири билан ўзаро муносабатда келишмаган икки олимни деб учинчи бир ёш мутахассисга зиён етишига йўл қўйиб бўлмайди. Айни ҳолда талаб ҳам кучли бўлмоғи зарур. Илмий иш ёқлаётган мутахассиснинг талаб қилсак, биз нинг кенгашга келиб ҳимоя қилиши лозим. Шуниндек, диссертациясини бошқа жумҳуриятлар, чет давлатларнинг биздаги каби комиссиясига юборишимиз мумкин. Яъни, улар орқали ёқласа ҳам бўлади. Шунинг учун биздаги талаб бошқаларникидан кам бўлмайди. Уни халқаро аттестация талабига тенглаштириш зарур.

— Бу борада олимларимизнинг билим даражасини қандай баҳолайсиз? Ўрта Осиё, шунингдек, хорижий миқёсдаги ўрни қандай!

— Озгина нокамтарлик бўлиши мумкин-ку, лекин Ўрта Осиёда олимларимизнинг сон ва сифат жиҳатидан энг илғорлиги бор гап. Жаҳон миқёсида бирмунча танилган олимларимиз ҳам оз эмас. Фақат уларни муносиб баҳолай билиш керак. Албатта, гоҳида шундай бўладики, катта лавозимдагилар билимини юқори даражада деб санашади. Аслида четда ундайларни ҳеч ким танимайди.

— Моддий манфаатдорлик ҳозирда ҳамма жойда энг олдинги ўринга чиқди. Унинг таъсири илм-фанга қизиқишни сусайтирмаяптими? Кўпчилик пул топиш билан машғул бўлиш афзалроқ, деган фикрда.

— Моддий манфаат учунгина илмий иш қилиш истагида бўлганларнинг шундай йўл тутишини тушуниш мумкин. Лекин иқтисодий буҳрон илм-фан билан шуғулланиш истагини сиз айтган даражада сўндиргани йўқ. Ҳозир комиссиямиз тасдиқлаши керак бўлган 40 тача докторлик, 100 га яқин фан номзодлиги илмий даражалари бўйича илмий иш, 28 та профессорлик ва 134 та доцентлик унвонига даъвогарлар бор. Бу рақамлар оз фурсатда ортиб кетиши ҳам табиий ҳол.

— Илгари ёқланган илмий ишлар ўз кучида қоладими ёки қайта синовдан ўтказиладими? Жумладан, КПСС тарихи, фалсафа бўйича ёқланган ишлар...

— Ҳа, улар ўз кучида қолади, лекин ўша КПСС тарихи, марксча-ленинча фалсафа, атеизм каби йўналишлар бўйича мутахассис бўлганлар ўз соҳаларини қайта қуришга мажбур. Биз унақа нарсаларни қабул қилаётганимиз йўқ. Биласиз-ку, биз да тарих деганда КПССни, фалсафада марксизмни асос қилиб олишган эди. Ҳали тўлиқ битилмаган ўз тарихимиз, мантиқан кучли Шарқ фалсафамиз мавжуд. Ўйлайманки, тарихчи, файласуф ва бошқа соҳа мутахассислари шу йўналишда иш олиб боради. Аслида уларнинг кўпи ўзларининг эски таълимотига унчалик ишонмаган ҳам.

— Ҳозир қайси соҳа бўйича кўпроқ илмий иш ёқланмоқчи?

— Илмий иш деярли ҳамма соҳадан бор, нисбатан кўплари тиббиёт, техника... Бу эҳтиёж ва заруратга боғлиқ. Кишиларни даволаш кўп ва кенг миқёсда иш талаб қилади. Саноат, техника тараққиёти ҳам шу заруратни келтириб чиқаради.

— Илмий ишларни тўғри баҳолаш учун комиссиянгиз кучи етарлими?

— Етарли. Соҳалар бўйича 16 та эксперт комиссияси тузилган, жумладан санъатшунослик соҳасида ҳам. Шунингдек, 400 га яқин ёш, иқтидорли профессор олимларни бу ишга жалб этганмиз — Комиссия Ҳайъатига эса энг таниқли олимлар, академиклар киритилган.

— Бирор соҳа, йўналишда етарли куч топилмаса...



сиясидан тузилиш жиҳатидан фарқ каттами?

— Йўқ, унчалик эмас. Тўғриси, ўша эски комиссия тузилишидан мукаммалроғини ҳали ҳеч ким таклиф қила олгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, комиссиямиз диссертацияларни тасдиқлашда илгаригидан тўғрироқ тарози вазифасини ўтамоғи керак.

— Бу «тарози» баъзан нотўғри ишлаб қолиши мумкин эмасми?

— Ҳар қалай, бунга йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз.

— Комиссия ичидан ёки ташқаридан бўладиган таъсирга қандай қарайсиз.

— Менинг ҳам ўзимга яраша ўжарлигим ва талабим бор. Умуман, биз ҳозир кўпроқ илм-фан тараққиёти учун ўз ишимизни тўғри йўлга солиш ҳақида ўйлашимиз керак.

— Физиология илмгоҳига раҳбарликдан сўнг бу вазифа сизга оғирлик қилмаяптими?

— Мен ҳали ўша ишимни ҳам олиб боряпман. Тўғри, бу вазифа анча оғир экан...

— Ишларингизда муваффақият тилаб қоламиз.

Суҳбатдош:
Рустам БОЙТУРА.

● ҲАМКОРЛИКДАГИ КЕНГАШ

ВАТАННИ СОҒЛОМ ЙИГИТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида республика Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда кенгаш бўлиб ўтди.

— Бугунги кунда барча район ва шаҳарлардаги ҳарбий комиссариатларда алоҳида тиббий кўрикдан ўтказувчи мутахассис врачларимиздан иборат комиссиялар ишлаб турибди, — деди соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Б. Йўлдошев. — Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, армияга фақат соғлом йигитларгина чақирилиши керак. Бироқ айрим тиббий комиссияларимиз ишига қониқарли баҳо бера олмаймиз. Чунки янги хизматга борган айрим ёшларда руҳий, жарроҳлик ва бошқа бир қатор касалликлари борлиги аниқланиб, улар қайтариб юборилаётган ҳолатлар учраб турибди.

Кенгаш қатнашчилари чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни янада такомиллаштириш, мустақил республикамиз ҳимоясига фақат соғлом йигитларни юбориш, хизмат қилувчилар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш зарурлигини уқтиришди. Шунингдек, кенгашда Ўзбекистон мудофаа вазирлигининг бошқарма бошлиғи полковник А. Туропов иштирок этиб, армияни соғлом ёшлар билан таъминлашда ҳар икки вазирликнинг қатъий ҳамкорлик қилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

А. ЭРГАШЕВ.

● «МУРАББИЙ — 93»

ТЎГАРАГИНГИЗ ИШЛАЯПТИМИ?

Маълумки, ўқувчилар дарсдан кейин фан ва ҳунар тўгаракларида ўз иқтидорларини шакллантириб, мустаҳкамлаб келганлар. Бироқ кейинги пайтларда жиҳозлар ҳамда хом ашёнинг етишмаслиги, бунинг устига транспорт хизматининг ошиши туфайли кўпгина тўгараклардаги ишлар тўхтаб қолганди.

Ана шундай пайтда Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тўгарак раҳбарларини ҳамда ота-оналарни қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Шу мақсадда вилоятда «Мураббий —93» танлови бошланди. Сиёб туманида бўлган танловда тўгарак раҳбарларидан беш киши қатнашди. Улар ўз иш тажрибаларини сўзлаб беришди, Ўзбекистон тарихини ҳикоя қилиш, миллий урф-одатларни кўрсатиш, экологик муаммоларни ўртага ташлаш ва очиқ машғулот ўтказиш бўйича беллашдилар. Танловда барча тўгараклар аъзолари, ота-оналар ҳам иштирок этишди, Танлов якунига кўра 27-мактаб мусиқа тўгараги раҳбари Аслам Аҳмаджонов ғолиб деб топилди.

Олим ҒОФУРОВ,
ўқитувчи.

● АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

«ШОИРА ФОЖИАСИ»

⊙ Қизилтепа районидаги 8-ўрта мактабда Моҳларойим — Нодира ҳаёти ва ижодиётига бағишланган адабий бадиий кеча бўлиб ўтди.

Ҳаётини яхшилик ва адолат йўлига бахшида этган шоира ҳақида адабиёт муаллимаси Насиба Нуруллаеванинг сўзлари кеча муқаддасмасини ташкил этди. Сўнгра шоира ғазалиёти, шу жумладан, катта фалсафий-аҳлоқий қиммат эга бўлган шеърий асарларидан ўқувчилар ёд ўқишди.

Шоиранинг сўнгги кунларидан ҳикоя қилувчи «Шоира фожиаси» деб аталган саҳна кўриниши юракларни ларзага солди. Шоира тимсолини ишонарли гавдалантира олгани учун Дилдора Намозова кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. Нодирабегим ғазалларига басталанган куйлар ва 11-синф ўқувчилари Маҳлиё Турсунова ва Зебинисо Баҳроновалар ижросидаги қўшиқлар ҳаммага завқ бағишлади.

Дилфуза ДАМИН қизи,
Навоий вилояти, Қизилтепа райони.

АЖДОДЛАР ИЛМИГА ТАЯНИБ

Аллергик касалликлар ичида кенг тарқалгани диққинафас, яъни бронхиал астма бўлиб, ҳам катталар, ҳам болалар ўртасида кўп учрайди Бунга энг аввало республикамизда, хусусан Оролбўйи ҳудудида табиат мувозанатининг бузилиши сабаб бўлмоқда. Тери ва нафас йўллари аллергозлари ҳам кўп тарқалган хасталиклардан саналади. Буларга эшак ёмғи, гуш, квинка шиши, нейродермит, бронхит, трахеоларингит, аллергик зотилжам ва бошқалар киради. Ҳатто ўпка ва нафас йўлларининг силга кирмайдиган хасталикларида ҳам аллергик ҳамда иммун жараёнлар муҳим аҳамият касб этади.

Айтиб ўтилган хасталикларни даволаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун аввало Шарқ табобатидан хабардор ва ҳозирги замон аллергик, иммунологик билимларга эга бўлиш керак. Маълумки, Шарқ табобати бизга юксак мерос қолдирган. Фақат ўқиб ўрганиш ва ундан оқилона фойдалана олиш зарур.

Турли касалликларни аниқлашда биз қадимий илмларга, жумладан, томир уриши, тилга қараб ташхис қўйиш, акупунтура усули билан хасталикни топиш каби тиббиёт усулларига катта аҳамият бермоқдамиз. Айниқса Абу Али ибн Синонинг томир уришга қараб ташхис қўйиш борасидаги таълими ўта қимматлидир. Шарқ тиббиётининг мижоз ва унсурлар тўғрисидаги тажрибаларини ҳозирги замон аллергология ва иммунология билимлари билан уйғунлаштириш катта муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Беморга парҳез, ҳар хил дори-дармонларни буюришда унсурлар асоси бўлган мижозни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Бу борада Ибн Сино айтадики: «Бир дори бирор кишини гавдасига нисбатан иссиқ бўлгани ҳолда иккинчи бир киши гавдасига нисбатан камроқ иссиқ бўлади. Шунинг учун муолажа қилувчиларга мижозни алмаштиришда бир дори фойда бермаганида унинг устида тўхтаб қолмаслик буюрилади».

Қадим тиббиётимизда кўрсатилишича, унсурлар икки хил бўлади — оғир (ер ва сув) ҳамда енгил (олов ва ҳаво). Оғир унсурлар аъзоларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, енгил унсурлар эса руҳнинг юзага келишига кўмаклашади. Ибн Сино «мижоз нима?» деган саволга: «Унсурларнинг ниҳоят даражада майда бўлакларидаги қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига таъсиридан пайдо бўлган кайфиятга мижоз дейилади» деб жавоб беради.

Мижоз билан қувват ўртасида узвий боғланиш бор, улар бир-бирисиз мавжуд бўлолмайдилар. Оврупа тиббиётига қарама-қарши ўлароқ бизда кўпроқ аъзолар иш жараёнига эътибор берилади. Қадимий Шарқ тиббиёти аъзолар тўлақонли ишлаши учун махсус қувватга эга бўлиши лозим деб уқтиради.

Тинимсиз изланиш, аждодларимиз тажрибасини ҳозирги замон тиббиёт илми билан боғлай билиш ютуқлар гаровидир. Афсуски, бу билимларни ўргатадиган мактаб, ўрганадиган шогирдлар йўқ. Илгарилари ҳар қайси олимнинг мактаби бўлиб, шогирдлар ўз устозлари таълимини даврма-давр ўтказиб, уни ривожлантирар эди. Фаннинг ривожланиши ҳам шу мактаб асосида бўлган. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бу масалалар устида ишлаши керак.

Эргаш САЛИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, Республика болалар аллергик касалликлари марказининг бошлиғи.
[Мақолани тўлиқ ҳолда журнал саҳифаларида ўқийсиз].

СУРМАМИ Ё МУСАЛЛАС

Сурма ва мусаллас орасида қандай боғлиқлик бор! Бу саволга жавоб бериш учун кимё фани тарихига мурожаат қилишимиз лозимдир.

Алкимёгарлар тўғрисида айтилган хато фикр ва нотўғри ахборотларга қарамай улар фанга жуда кўп нарса берганликлари аллақачон ҳаммага маълум эди. Улар кимёвий элементларнинг анчагина миқдорини очдилар ва ном бердилар. Шунингдек, лаборатория жиҳозлари ва техникасини — печлар, ретортлар, ҳайдаш куби, тигелларни ишлаб чиқарадилар — дистилляция, возгонка, фильтрлаш, кристаллизация ва ҳоказоларга лаборатория усулида пардоз бердилар. Инсониятга аввалдан маълум бўлган бир қанча содда сўзларни тақдим этдилар. Биринчиси ўз-ўзидан келиб чиққан «ал-кимё» сўзи бўлса, кейингиси «эликсир» сўзидир. Бу сўз арабча «ал-иксир» сўзидан олинган бўлиб, у ёрдамида яра-чақалар даволанган. «Алкалоид» сўзи «алкали» (ишқор) сўзидан олинган ва ўз ўрнида «алкили» сўзининг ўзгарган кўринишидир. Бу сўз баъзи бир ўсимликлар кулини билдиради. Демак, «алкагол» сўзи араб кимёгарлари қора кукун деб номлаган «алкул» терминидан олинган. У ёрдамида лабораторияда тажрибалар ўтказилган. Бошқа шароитларда эса қош ва киприкларни бўяшда ишлатилган, яъни у сурма экан.

ИСИТКИЧЛИ БЕЛАНЧАК

Спелеологлар экспедицияда юрганларида қаерда ухлайдилар. Одатдаги қопқўрпа ғордаги совуқ ҳавода жуда тез намланиб қолади. Чехия спелеологлар жамиятининг мутахассислари қопқўрпасиз ҳам ухласа бўладиган, ўзидан иссиқлик чиқариб турадиган гамак (беланчак) ишлаб чиқдилар. Гамак дунё бўйича энг чуқур ҳисобланган Франциядаги ғорда синаб кўрилиб, ўз афзаллигини намоён қилди. У уч қават синтетик матодан

иборат, устки қавати эса энг яхши алюминий билан қопланган. Гамак остига шам «печка» осиб қўйилади. Бу цилиндрсимон шам парафин ёки стеариндан тайёрланган, пилиги эса шиша толадан ишланган. 18 соатга етадиган бу «ёқилғи» ўрин кўрпани 30-37 даражагача иситибгина қолмай, ҳўл кийимларни ҳам қуритиши мумкин. Гамакнинг оғирлиги икки килоча бўлиб, уни кичикроқ халтага жойлаштирса бўлади.

* * *

Ўтган йили апрель ойида Швейцариянинг Базель шаҳрида ўтказилган ярмаркада машҳур «Бреге» фирмаси столга қўйиладиган ва унга ўрнатилган кўл соатининг ажойиб комплексини намойиш қилди. Ушбу маятникли соатнинг оғирлиги 12 килограмм бўлиб, бир марта буралганда саккиз кунгача жуда аниқлик билан юради. Бу соат корпусининг юқорисидаги махсус ясалган уячага кўл соати қўйилган. Кечаси у катта соат механизми ёрдамида буралади ва у билан мослашиб аниқ юраверади.

СУВ ОСТИДА КЎЗГУЛИ ФОТОКАМЕРА

Япониянинг машҳур «Никон» фирмаси ишлаб чиқара бошлаган биринчи кўзгули фотокамера махсус боксси сув остида юз метр чуқурликда ҳам суратга ола билади. Бу фотокамера плёнкани қайта ўрайдиган ва автоматик равишда тиниқлик берувчи қурилмага эга. Шу билан бирга бу автоматика фокусда балиқ кўринишини билан ўзи суратга олади.

Янгийўл пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси баҳор фасли арафасида республикамиз келажаги бўлган жажжи кичкинтойларни қувонтирадиган бўлишди. Тез орада бу ердан жумҳурият савдо шохобчаларига болалар этиклари, туфлилар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилади.

Корхона модельерлари 100 га яқин янги турдаги буюмларни ишлаб чиқаришга жорий этишни таклиф этишмоқда. Бундай маҳсулот тайёрлашни ўзлаштириш йил давомида амалга оширилади.

Очиғи, Янгийўл пойабзалчилари маҳсулотлари кейинги пайтда харидоргир бўлиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида республика савдо шохобчаларига 28,5 миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар жўнатилгани бунинг ёрқин мисоли.

Суратларда: 1. корхона ишчиси Зулхумор Исмоилова. 2. Смена бошлиғи Ш. Холдоров (чапда) ва ишчи Т. Халимбоев маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ИГИР

Табиат наботот оламини шундай яратганки, ундан албатта бирон эзгу мақсадда фойдаланиш мумкин. Шундай ўсимликлардан бири игир кучаладошлар оиласига мансуб кўп йиллик илдизпояли ўтсимон бўлиб, бўйи бир метрга етади. Уни фанда ботқоқ игири дейишади. У дарё, кўл, ҳовуз бўйларида, кўлмак сувларда, ботқоқликларда ўсади.

Игирнинг илдизпояси энига йўғонлашган, томирланган, шакли конуссимон ҳолда, узунлиги 50 сантиметрга боради. Игирнинг пояси тик ўсади. Барглар қалами тасмасимон учли бўлиб, навбат билан жойлашган, кўриниши текис қирғоқли. Улар бандсиз, қаттиқ, бўйи 60—120, эни эса 1—8 сантиметр. Игирнинг сариғиш, яшил рангли гуллари сўтасимон тўп гулда жойлашган. Гуллари майда, қизил рангда бўлади.

У Шимолий Америка, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Кавказ, Сибирь, Ўрта денгиз атрофларида, Скандинавия, Ёқутистон, Узоқ Шарқ ва Қозоғистонда тарқалган. Ўрта Осиёда, Зарафшон дарёси ёқаларида, Чўпонота тоғ этакларида, Самарқанд атрофларида, Хоразм вилоятининг Гурлан ноҳиясида учрайди. Игирнинг Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда тарқалиши, яшаш муҳити тўғрисида маълумотлар, бизнингча, етарли эмас. Шунинг учун ҳам уни кўпчилик яхши билмайди.

Игирнинг илдизпоясида кучли, хушбўй ҳидли эфир мойлари мавжуд. Эфир мойининг миқдори 1,5—4,8 фоизни ташкил этади. Илдизпоясида бундан ташқари аччиқ акарин гликозиди, ошловчи моддалар, С витамини ҳамда крахмал бор. Агар ушбу ўсимлик илдизпоясининг ички тузилишига эътибор берилса, унинг таркибидаги моддалар илдизпоядаги пўстлоқ паренхимасининг остки қисмида жойлашган махсус ҳужайраларда тўпланганининг гувоҳи бўламиз.

Ундан доривор ҳом ашё тайёрлаш учун илдизпояси кузда ёки баҳорда, сув камайган вақтларда йиғилади. Йиғилган илдизпоя барглардан, майда илдизлардан тозаланади ва обдон ювилади. Ювилган илдизпоя бироз сўлитилиб, янгичаланади, сўнг кўндалангига қирқилиб қуруқ ҳаволи салқин жойда қуритилади. Бундан тайёрланган маҳсулотнинг таъми ёқимли, хушбўй-аччиқ бўлади. Қуритилган маҳсулотдан дамлама, қайнатма, шарбат ёки талқон тайёрлаш мумкин.

Илмий тиббиётда игир ўсимлигининг илдизпоясидан дамлама тарзида, талқон ёки суюқ шарбат ҳолида буйрак, жигар, ўт пуфаги, шунингдек ошқозон, сувчечак, тутқаноқ касалликларини даволашда фойдаланилади.

Игирни аччиқ-хушбўй дори сифатида иштаҳани очиш, овқат ҳазм қилиш жараёнларини кучайтиришда қўллаш яхши натижа беради.

Сиддиқжон ХОЛИҚОВ,
Толибжон МАДУМАРОВ,
биология фанлари номзодлари.
Анджон Давлат дорилфунуни.

● *Муштарийлар таклифи*

Бозор иқтисодиётининг бугунги ижтимоий-иқтисодий аҳволга таъсири тобора кучаймоқда. Турмуш кечириш бирмунча мушкул. Янги шароитнинг кечагина бутунлай номаълум бўлган, бугун зўрға англаб етилаётган ўзига хос тартиб-қоидалари кўпчиликни ўйлашга, мулоҳаза юритиб ҳаёт кечиришга ундамоқда.

Очиғи, таҳририятга келаётган мактубларнинг аксарияти ана шу мавзуга бағишланган. Қуйида муштарий таклифларининг баъзилари билан танишасиз.

ҚАЛОВИНИ ТОПСА...

Кўча-куйда юрганда чинни ва шиша синиқлари, қоғоз ва металл парчаларининг сочилиб ётганини кўриб ачинасан киши. Наҳотки, уларни чиқитга чиқармасдан махсус қабул қилиш жойлари очиб, пул ёки зарур молларга алмаштиришнинг иложи бўлмаса?!

Ўқилган газета ёки журналларнинг ҳам ярим баҳосида қабул қилиб олишни йўлга қўйиш керак Мактаб ўқувчилари тўплаётган металл ва қоғоз чиқитлари учун моддий манфаатдорликни оширишнинг ҳам пайти келди, чамамда.

Яна бир таклиф. Кўпинча шаҳарликлар мева-сабзавот маҳсулотлари чиқитини ахлат қутига чиқариб ташлашади. Бу чиқитни ёрдамчи хўжалиги бўлган завод, фабрика ва корхоналар махсус машиналарда йиғиб, бунинг эвазига аҳолига пул тўласалар, корхона ҳам, кишилар ҳам манфаатдор бўлишади-ку.

Шукрулло ОЧИЛОВ,
Навоий вилояти.

ЗАҲАРНИНГ ФОЙДАСИ БЕҚИЁС

Асални хуш кўрувчилар кўп. Аммо асаларичиликни ривожлантиришга эътибор қилувчилар кам.

Таклифим шуки, асаларичиликда қуруқ асалари заҳари (апитоксин) олишни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун фақат зарур технология сотиб олинса бас.

Қолаверса, бу маҳсулот тиббиётда дори тайёрлашда ҳам яхши асқотади. Бу эса юртимиздаги дори тақчиллигини бартараф этишга кўмаклашади. Хуллас, асалари заҳари фойдаси беқиёс.

Ҳ. УСМОНОВ,
Фарғона вилояти.

ЎЗИ ЯРАТИБ СОТСИН

Ҳозир нима кўп, тижоратвосита, ширкат дўконлари кўп. Уларда турли хил маҳсулотлар сотиляпти. Бироқ, менимча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ҳунармандчилик молларини бозорда сотган маъқул. Олиб сотарлик, чайқовчилик ва айниқса, саноатда ишлаб чиқарилган молларни бозорда сотиш бутунлай таъқиқланиши керак. Ноқонуний йўл билан бойлик орттиришга йўл қўйил маслиги зарур.

Бу борада Президентимиз И. А. Каримов ташаббуси билан уюшган жиноятчиликка қарши бошланган кураш айни муддао бўлди. Қанийди, пировардида барча ноқонуний йўл билан мўмай даромад орттираётганлар фаолиятига барҳам берилса...

Х. ХОЛМИРЗАЕВ,
муҳандис, Наманган шаҳри.

Темур тузуклари

Тўққизинчи тоифа — муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар (тарихчилар) ҳамда қиссахонлар бўлиб, уларни ҳам ўзимга яқинлаштирдим. Пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қиссаларни, ўтган подшолар тўғрисидаги хабарларни, уларнинг салтанат тахтига қандай етишганликларини, давлатларининг қандай сабабларга кўра завол топганлигини булардан сўраб билардим. Ҳар қайсисининг қиссалари ва хабарлари, ишлари ва сўзларини эшитиб тажрибам ортди. Оламда бўлаётган воқеаларни улардан эшитардим ва олам аҳволидан хабар топар эдим.

Ўнинчи тоифа — машойихлар, сўфилар, худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим.

Ўн биринчи тоифа — касбу ҳунар эгаларидир; буларнинг ҳар тоифа ва синфидан бўлганларини давлатхонамга олиб келиб, ўз ўрдамдан ўрин белгиладимки, сафарда ва ҳазар[1]да сипоҳимга керак яроқлар ва бошқа нарсаларни ҳозирладилар.

Ўн иккинчи тоифа — ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хитой, Хўтан, Чину Мочин[2], Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон (Европа) у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар.

[1] Ҳазар — бир жойда туриш.
[2] Чину Мочин — Хитой, Чин — Хитойнинг Хитой, Мочиннинг бўлак номи Табғачдир. Урта Чинни марказий ва Шарқий қисми; Мочин — жанубий Хитой, қуйи Чинни Қашқар дейишган.

МЕНИНГ ДАРГОҲИМГА ИЛТИЖО ҚИЛИБ ПАНОҲ ИСТАБ КЕЛГАН ТУРКУ ТОЖИК, АРАБУ АЖАМ ТОИФАЛАРИДАН БЎЛГАНЛАР БОРАСИДАГИ ТУЗУК

Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табақалардан бўлган саййидлар ва уламони из-

63.

зат-ҳурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса дарҳол муҳайё этиб, муқаррар равишда уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипоҳийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳволларига яраша эҳтиёжлари таъминлансин. Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар. Яна шундай амр қилдим, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиш учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин. Ҳар тоифа ва ҳар синфдан кимки ўз ихтиёри билан сипоҳгарчилик хизматига киришни истаса, уни аскарий [хизматга] олсинлар. Асил ва шижоатли сипоҳийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бериб, қилган хизматига ва ишига яраша тарбият қилсинлар.

Яна амр қилдимки, узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхони неъматидан уни қуруқ қайтармасинлар.

Кимники ҳузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-саломлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ қилгудек бўлса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

САЛТАНАТНИ ЎЗ ЭРКИМДА САҚЛАШ УЧУН АМАЛ ҚИЛГАН ТУЗУГИМ

Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолур.

64.

ИСТЕЪДОД БОЛАЛИКДА ТОБЛАНАДИ

Куни кеча Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг марказий кўргазмалар залида Тошкентдаги республика ўрта махсус санъат мактаб-интернати фаолиятига бағишланган тақдимот ва унинг ўқувчилари ижоди кўргазмаси тантанали очилди. Ҳажм жиҳатдан муносиб бу кўргазма энг аввало ёш авлодга бир олам қувонч бахш этаётган бўлса, катта ёшли томошабинларни умидли истеъдодлар вояга етаётганлигидан, келгусида мустақил мамлакатимизнинг чинакам ижодкорлари етишаётганлигидан мамнун этади.

Бу санъат ва маҳорат билим ўчоғида 600 нафар ўғил-қиз камолотига ғамхўрлик қилинаётган экан, бу кўргазмадан ўрин олган асарлар юзга яқин боланинг илк ижоди ҳақида ҳикоя қилади.

Шу даргоҳда қўлига мўй қалам ушлашни ўрганган бола тафаккурида ҳаётнинг турли қирраларига ғоятда қизиқувчанлик, сермушоҳада фикр юритишга интилувчанлик сингари хислатлар таркиб топаётир. Болаликда ўрганилган билим ва ҳунар гўё тошга ўйилган сержило нақшлардек муҳрланиб қолади. Мактаб-интернатнинг 17 ёшгача бўлган ўқувчи рассомлари асарларида ўзбек халқ ҳунармандчилиги сирлари, миллий урф-одатлар, ям-яшил далалардаги қайноқ ҳаёт нафаси, кўҳна шаҳарлар ва обидалар ҳамда уларнинг олдидаги майдонларда миллий томошалар кўрсатиш сингари лавҳалар идрок билан матоларда тасвирланган. Жозибадор асарлар томошабинга яхшигина завқ беради.

Бу асарлар ҳар қандай кошоналарни бадиий жиҳатдан безаши мумкин. Ёш рассом Р. Абдураҳмоновнинг «Дорбозлар», Ш. Рўзматовнинг «Отларни чўмилтириш», Д. Муротовнинг «Новвой қиз», Б. Жамолиддиновнинг «Сумалак», Б. Ўроқовнинг «Археологлар», М. Мирзаевнинг «Хива» каби асарлари билим даргоҳида яхши истеъдодлар етишиб чиқаётганлигидан дарак беради. Ёш рассом Фурқат Убайдуллаев ёзувчиларнинг бадиий асарларига безаклар ишлашни кўпроқ ёқтиради. У Андерсоннинг эртакларига мазмунли лавҳалар чиза олган. Ўқувчи бу безак асарлари учун республика танловида ҳам соврин билан тақдирланган.

Кўргазмадаги бир қатор экспонатлар ўзбек халқ қадимий ҳунармандчилиги турлари бўйича яратилган буюмлар билан ҳам мазмунлидир. Айниқса, нақкошлик намуналари мақтовга лойиқ.

Бу ўрта махсус санъат мактаб-интернати республикамиздаги ягона билим ўчоғидир. У Акмал Икромов районининг 22-даҳасида жойлашган. Унинг директори Сомий Содиқов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— 1961 йилда ташкил этилган билим даргоҳимиз ўтган давр ичида республикамиз учун юзлаб истеъдод эгаларини етиштириб берди. Даргоҳимизда тасвирий санъат ва мусиқанинг турли жанрлари бўйича болаларга билим берилади. Тақдимот ва кўргазма тадбирини ўтказишдан мақсад билим юртимиз фаолиятини мамлакатимиз миқёсида кенгроқ таништиришдир. Зотан, мустақил Ўзбекистон учун келгусида чинакам истеъдодли рассомлар ва мусиқачилар кўплаб керак бўлади. Илгари ҳам кўп жойларда кўргазмалар ташкил этдик, лекин бу сафар кенг намойишли маросимга айланди.

Кўргазма очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири ўринбосари Н. Иброҳимова, Ўзбекистон Республикаси тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти раиси Н. А. Муҳиддинов, Акмал Икромов райони ҳокими муовини Х. С. Отаметова, Тошкент давлат дорилфунуни доценти Б. Рустамбекова ва шу билим даргоҳи ўқитувчиси Н. Абдуваҳобова ёш истеъдодларни қутладилар.

А. ПЎЛАТОВ,

Суратларда: тақдимот ва кўргазма маросимидан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ҚАРИЙБ ТЕКИН КВАРТИРА

● Айрим корхоналарда уй-жой учун навбатда турганлар рўйхатини кўриб ҳушингиз учади. Самарқанд уйсозлик комбинати ишда тартиб ўрнатиш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузишга ўтди.

Шу йилнинг бошида «Красний двигатель», «Кинап», «Гелион» ва тамаки ферментлаш заводлари кўплаб замонавий уйларни қабул қилиб олдилар. Дарвоқе, уйлар ишчи-хизматчиларга қарийб текинга тушмоқда. Квартира қийматининг тенг ярмини корхона тўлайди. Ярмини эса квартира олувчи ўн йил давомида ойма-ой тўлаб бораверади. Биргина тамаки ферментлаш заводи шу мақсад учун 5 миллион сўм пул ажратган. Яқинда жамоанинг 13 аъзоси янги уйларга кўчиб ўтди. Йил охиригача яна 20 кишига шундай квартира берилади.

Фармон ТОШЕВ.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● Газета — давр муҳри («Ўзбекистон овози» фахрийсининг эсдаликлари).
● Марғилон: кеча, бугун, эртага
● Рэкетчи қўйиб юборилдими?
● Эътибор Охунова ижодхонасида.

• АХЛОҚ МАВЗУИДА •

ОНАСИНИ ТУНАГАН ЎҒИЛ

Фаима опа ўғлидан ёлчимаслиги, фарзанд туфайли бошига не-не маломат тошлари отилиши, чексиз изтироб, ғамга ботишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Кўча-кўйда инқиллаб ўтаётганида унга кимдир «Ана ўғрининг онаси!» деяётгандек туюларди. Баъзида маъракаларга бормас, гурунгларга қўшилмасди. Чунки гап айланиб фарзандларга, уларнинг қобилу ноқобиллигига борib тақалиши аниқ-ку!?

Ўғли бир эмас, икки бора «ўтириб» келди. Энди уни бу йўлдан қайтариш мумкинмикин? «Қамоқхонада тавбасига таянгандир, уйланитириб қўйсам бас қилар». Она шундай қарорга келди. Ўғлини уйлантирди, уйли-жойли қилди. Бўлмади, оғзи ўғирлик нонга ўрганган. Аваз «касби»ни тарк эта олмади.

Она ўғлининг кейинги қадамларидан хабардор бўлиб борди, ҳалол яшашга даъват этди. Афсуски, унинг ўгитлари ҳавода муаллақ қолди. 1992 йилнинг айни ўрик гуллаган пайти Аваз онасининг уйига ўғирликка кирди. Телевизорни ўғирлаб, кимгадир сотди, пулини ўз эҳтиёжи учун сарфлади. Онаси Фаима Муқманова ўғлидан гумонсиради. Лекин милицияга хабар қилишга иккиланди. Охири ўғлини авради. Аваз бўйнига олди, пулини беришни айтди. Шунда она:

— Қани кўрсатчи, қандай ўғирладинг? — деб сўради. Шунда ўғил «ўлжа»сини қандай ўмарганлигини кўрсатиб берди. Шу топда кўзи уйда турган икки жуфт эркак ва аёллар этикларига тушди. «Буни ҳам тинчитиш керак» деган ниятни кўнглига тугиб қўйди у. Буни қарангки, Фаима опа уч нафар фарзанди ва оиласи бўлган ўғлини қайта тарбиялаш учун ўз бағрига олиб келганди. Энди Авазнинг ўғирлик қилмаслигига умид боғлаганди онаизор.

Кунлар ўтиб Фаима опа Навоий шаҳрига меҳмонга кетди. Аваз бундан фойдаланиб, кейинги режасини амалга оширади, этикларни ўғирлаб, уларни кунадўзга 2000 сўмга пуллайди. Она меҳмондорчиликдан қайтса, этикчалар йўқ. Яна у ўғлини авради. Шунда Аваз 500 сўм берсангиз, топиб берамаман, дейди. Энди онанинг қаҳри қўзғалиб, милицияга хабар қилади.

Ғиждувон шаҳридаги М. Горький кўчасида яшовчи, 37 ёшга кириб, бирор фойдали меҳнат билан банд бўлмай келган Аваз Файзуллаевнинг жиноий иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатларида у биргина онасини тунамаганлиги аён бўлди. Бултур у шаҳардаги Ф. Эшпўлатов кўчасида яшовчи Тоҳировнинг товуқхонасидан 12 бош паррандани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг 12-бригадасида яшовчи Ҳ. Идиевнинг ҳовлисидан уч бош қўйни, район марказий касалхонасига қарашли «УАЗ» машинасининг аккумуляторини ўғирлаб, бозорда, кўча-кўйда пуллаган. Унинг жиноий иши тажрибали судья Боймурод Орипов раислигида район халқ судининг мажлисида атрофлича кўриб чиқилди. Онасини тунаган, кишиларнинг шахсий мол-мулкига кўз олайтирган бетовфиқ фарзанд А. Файзуллаев 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳа, ўзгалар ҳисобига яшашга ўрганган, меҳнатга бўйин бермаган бундай ноқобил фарзанддан онаси тугул, эл безордир. Ундан ҳамма ҳазар қилади.

ФАРИШТАСИЗ УЙ

Донохон узоқ йўл юриб Марказдан Ғиждувон шаҳрига — дугонасиникига келди. Сўраган Маккани топади, деганлари рост экан. Қарийб ўн йилдан буён борди-келди қилолмагани учунми, дугонасининг ҳовлисини анча сўраб-суриштириб кейин топди.

Кўринишидан у эрта сарғайган дарахт баргига ўхшарди. «Адашдим чоғи» — Донохоннинг миясидан шу ўй ўтди. Йўқ, у адашмаганди. Дугонаси Офиятхон уни таниди. Иссиқ кўришишди, сўнг ичкари киришди. Донохон ҳовлига қадам босаркан, кўнгли бирдан ғашланди, юраги сиқила бошлади. Болалар унинг сумкасига тармашишди. Меҳмоннинг совға-саломлари бирпасда хомталаш бўлди. Офиятхон уларни уриша кетди.

Донохон институтда ўқиб юрганда Офиятхон билан дугона тутишганди. Ўшанда Офиятхон ўзига жуда оро ва зеб бериб юргувчи эди. Кўчада янги кўйлак кийган, чўғдек тақинчоқ таққан, қизларни кўрса бас, албатта, ўқишни ташлаб бўлса ҳам уйига борар, онасининг нафақа пулини эплаб, сўнг ўша қизларга тақлид қиларди. Энди-чи, унда на олифталик, на орасталик, на ширинсуханлик, на меҳрибонлик қолибди. Э-сиз...

— Иш билан бўлиб ўзимга ҳам қаролмайман, дугона. Офиятхон уйидаги бесаранжомликни болаларнинг ўйинқароқлигига, ўзининг ишга кўмилганлигига йўйиқчи бўлди. — Чойдан олиб тур, ҳозир поччанг келади. Мен овқатга ўннай.

Донохон нили, оғзи ва дастасининг ости қасмоқ боғлаган тунука чойнакка, ичи сарғайиб кетган пиёлага, дастурхон устида турган оқ ранги қорамтир бўлиб кетган сочиққа кўз югуртирди. Таъби нозик эмасми, келганига минг пушаймон бўлди.

Донохон аранг тонг оттирди. Муаллима Офиятхоннинг фаросатига «қойил қолди», раҳми ҳам келди. Жўнаш олдидан:

— Айтгандек, қайнонангиз бор эдими? — сўради у.

Офиятхон қизарди, нима дейишини билмади. Ахир, қайнонаси бўлганида турмуш тарзи шунақа бўлармиди? Тиллабуви бу хонадонни тарк этганига ҳам анча бўлди. Фариштолар ҳам буви билан бирга кетишган.

Қиссадан ҳисса шуки, қайноналар — хонадонимиз фариштаси! Чунки улар келинларининг ёмонини яшириб, турмушдаги қийинчилик ва аламли дақиқалар, айрилиқ онлари юкини ҳамиша елкаларида даст кўтарадилар. Қайнона бор уйда келин ўзини ҳушёр тортади, ён-верига қарайди, ибо, ҳаё пардасини ҳамиша ўзига эп кўради. Фариштолар тарк этса-чи? Бундай хонадонларда Офиятхонларнинг куни туғади... Шундай эмасми?

Даврон БАХРОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.
Бухоро вилояти.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИМИ?

● Мустақил Ўзбекистон адолатли демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. Айни вақтда эски тузум тизимларининг барбод бўлиши, бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликлари жамиятда муайян ижтимоий беқарорликка сабаб бўлмоқда, жиноятчилик, босқинчилик, талончилик, қасддан одам ўлдириш камаймаяпти.

Хўш, жиноятчилар қилмишига яраша жазо оляптими? Эҳтимол, жиноятчиликнинг кўпайишига жазонинг етарли эмаслиги ҳам сабаб бўлаётгандир? Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари Абдусамад ПОЛВОНЗОДА билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Республика ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, Олий суд асосий эътиборни жиноятчиликни келтириб чиқараётган омилларга қаратмоқда, — деди у.— Айбдорлар гуноҳи бўйнига қўйилгач, муайян жазога ҳукм этилади. Кейинги вақтда ашаддий жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси нега кам қўлланилаяпти, умуман, келгусида бундай жазо сақлаб қолинадими, деган саволлар ҳам эшитиляпти.

Амалдаги қонун нуқтаи назаридан қаралганда, ўлим жазоси қасддан одам ўлдирган, катта миқдорда давлат ва жамоат мол-мулкини талон-торож қилганлар ҳамда ашаддий порахўрларга нисбатан қўлланилади. Суд амалиётида аксарият ҳолларда қасддан одам ўлдирганларгина шундай жазога мустаҳиқ этилмоқда. Ўтган йили ўлим жазосини қўллаш Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида анча ортди.

Ҳар икки оғир жиноятдан бири илгари судланган кимсалар томонидан амалга оширилмоқда. Жумладан, аввал ҳам одам ўлдириб, қора курсида ўтирган 15 нафар айбдорнинг навбатдаги жиноий иши ўлимга маҳкум этиш билан якунланди. Ўлимга ҳукм этилганларнинг 43,4 фоизи қора қилмишларини гуруҳларга бириккан ҳолда, қарийб ярми эса маст ҳолда амалга оширган. Масалан, Андижон вилоятида И. Мирзаев деган кимса маст ҳолда хотини билан жанжаллашиб, 10 яшар қизнинг кўз олдида аёлини болта билан чопиб ташлаган. Қизи сирни фош этишидан қўрққан золим ота уни ҳам ўлдирган. Республика Олий суди вилоят судининг ҳукмини кучида қолдирди.

Бир неча марта қамалиб чиққандан кейин ҳам тавбасига таянмай, қасддан одам ўлдириш, босқинчиликни касб қилиб олган, инсоний қиёфасини йўқотган кимсаларга жамиятимизда ўрин бўлмаслиги керак. Тошкент шаҳар суди аввал етти марта судланган ашаддий жиноятчи Н. Добряковни олий жазога ҳукм этди. У сўнгги марта қамоқдан чиққандан кейин ҳам босқинчилик, машина олиб қочиш билан шуғулланган. Жиноятчи ҳамтовоқлари билан бирга Фаёзов деган кишини ўлдириб, унинг «Москвич»ини олиб қочган, машинани қисмларга ажратиб пуллаган. Самарқанд вилоят суди қора курсида аввал ҳам ўтирган Н. Рўзиев рашк туфайли хотини ва қайнисини ўлдиргани учун уни ўлимга ҳукм қилди. Ҳукм ижро этилди.

Юқоридаги мисоллардан кўринiб турибдики, бозор муносабатларига ўтиш даврида жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришни, қонунларимизни такомиллаштиришни, ўлим жазосини энг сўнгги жазо чораси сифатида сақлаб қолишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

А. АЗИМ,
ЎзА мухбири.

САҲРОДАГИ ОТИШМА ЁКИ МИЛИЦИЯ ҲИМОЯСИДАГИ РЕЙС

Ҳаммаси чет эл детектив фильмларидагидек бўлди.

... Тун. Олисдан изма-из келаётган учта юк машинаси Ўзбекистон — Қозоғистон чегарасидаги назорат постига яқинлашгач, негадир тезликни оширди. Божхона ходимининг «тўхтанг» деган кўрсатмасига «КамАЗ»лардан бирининг ҳайдовчиси уни бостириб кетишга ўтиниш билан «жавоб берди». Назоратни чаққонлик билан йўл четига отилди.

Пост ёнида ҳар эҳтимолга қарши «УАЗ» енгил автомобили тахт турган эди. Божхона ходимлари зудлик билан қондабузарларнинг изига тушди. Саҳро йўли Қозоғистонга олиб чиқар, сал сусткашлик қилинса, «шоввозлар» ўзга юртга ўтиб кетар эди. Божхона ходимларининг бир неча марта «тўхтанг», дея қилган ишораларига юк машиналарининг ҳайдовчилари эътибор бермасди.

Охирги чора қўлланди — катта тезликда кетаётган юк машиналарининг ғилдиракларини нишонга олиб кетма-кет ўқ узилди.

— Текширишда аниқланишича, — деди Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Ражаб Бобоқулов, — Қозоғистонга ғайриқонуний равишда юк олиб кетаётган учала машинани Каттақўрғон шаҳар суд-тиббиёт эксперти Холмат Раҳмоновнинг шахсий машинасида шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари — милиция капитани Ғулом Турсунов ва милиция катта лейтенанти Субҳиддин Милиев кузатиб келаётган экан. Ҳайдовчиларнинг иккитаси Раҳмоновнинг укаси бўлиб давлат рақамлари «60—95 СНЛ», «54—19 СИМ» ва «17—35 СНЛ» бўлган машиналарда умумий қиймати 5 миллион 200 минг сўм, ик 42 тонна майиз олиб чиқиб кетилаётган экан. Улар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Қондабузарларнинг ҳар бири 5 минг сўмдан жарима тўлади. Ғайриқонуний юкни кузатиб келаётган милиция ходимларига нисбатан тегишли чора кўриш учун Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасига тақдимнома юборилган.

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Матлар, ахборот ва спорт — 33-34-69; 32-53-97.
«Осиё бозори» — 33-76-04; 32-53-15.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда 6-72-60;
Қаршида — 3-25-70; Термизда — 2-23-01.

Навбатчи муҳаррир: Т. ЭШБЕКОВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чегараланмайди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
● Газетанинг босилиш сифати ҳақида эътирозни қуйидаги телефонга маълум қилишингиз мумкин: 33-34-48.
Газета офсет усулида А—2 формагда босилади.
Тиражи — 165076 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.40.
Г—07 № 37: 1 2 3 4 5 6.